



ТОШКЕНТ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 4 октябрь, шанба • №81 (11.572)

Эркин нархда сотилади

Ампутант - ногиронлар ўртасида футбол бўйича VI Жаҳон чемпионати қатнашчилари ва меҳмонларига

Қадрли дўстлар!

Барчангизни - меҳмондўст Ўзбекистон диёрида илк маротаба ўтказилаётган чемпионат қатнашчилари, ташкилотчилари ва меҳмонларини қутлаш менга катта мамнуният бахш этади.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтишни истардимки, ўзбек халқи ўзининг асрлар мобайнида қарор топган ва мустақиллик йилларида ривожланган меҳр-шафқат ва бағрикенглик анъаналари билан шухрат қозонган.

Биз спортни ривожлантиришга, спортчиларимизнинг мусобақаларда иштирок этишига алоҳида эътибор бериб, халқаро чемпионатларни ташкил этар эканмиз, сизларнинг бугунги чемпионатингиз, умуман спорт, мусобақа майдонларидаги беллашувлар руҳи тинчликни ҳамда инсонлар ўртасидаги ўзаро ҳурматни мустаҳкамлашни яхши биламиз.

Бизнинг мамлакатимиз бундай мусобақалар ташкил қилишга ҳамиша эътибор берган ва катта эътибор бериб келмоқда ҳамда икки маротаба олтин ва кумуш медалларни қўлга киритган ўз футболчиларининг ютуқлари билан фахрланади.

Давлатимиз ҳақли равишда эзгулик ва меҳр-шафқат ғалаба қозонадиган шундай мусобақалар ўтказиладиган марказларнинг бирига айланиб бораётганлигини кўриш қувонарлидир.

Азиз мусобақа қатнашчилари!

Сизлар барча қийинчиликларга, синов ва машаққатларга қарамай, ҳаётий куч, ғалаба иштиёқи, келажакка ишонч каби - ҳурмат ва таҳсинга лойиқ фазилатларни сақлаб қолдингиз. Сизлар чинакам мардлик ва матонат намунасидирсизлар.

Сизларга - турнир қатнашчиларига - спортда муваффақиятлар ва омонлик тилайман. Қадимий ва меҳмондўст Ўзбекистон заминидан ўтказган кунларингиз қалбингизда ғоят самимий ва унутилмас таассуротлар қолдиришига астойдил ишонаман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Вилоят ҳокимлигида

ЮНИСЕФ ИШТИРОКИДА

Турмуш маданиятини ошириш, оилада бола тарбиясини тўғри ташкил этиш, уларга меҳр-муҳаббат, ғамхўрлик ва эътибор кўрса-тиш ҳамиша муҳим масала бўлиб келган. Айниқса, ота-онанинг бола тарбияси хусусидаги билим ва кўникмаларига талаб тобора ортиб бормоқда.

Вилоят ҳокимлигида ўтган ўқув машғулоти айни шу долзарб масалаларни ҳал этиш йўналишларини қамраб олди. У БМТнинг болалар ташкилоти — ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда ташкил этилди. Машғулотда соғлиқни сақлаш, таълим, ички ишлар идоралари, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этишди.

Машғулотда оила ва болаларнинг асосий муаммоларини ўз ичига олган оилавий таълим дастурини босқичма-босқич амалга ошириш йўллари оммалаштирилди. Дастур болаларнинг турли ёш гуруҳларини қамраб олади. Алоҳида муҳофазага муҳтож ҳомиладор аёллар ва барча ёшдаги болаларга эътибор кучаяди.

Ўқув машғулотида вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Адиба Аҳмаджонова иштирок этди.

Пахта-2003

УЮШҚОҚЛИК, САФАРБАРЛИК терим мавсумини муваффақиятли ўтказишнинг асосий омилidir

Вилоят пахтакорлари бу йилги шароит мураккаб бўлишига қарамай, 109 минг гектардан зиёд майдонда шартнома режасида белгиланганига яраша ҳосил тўплашга эришдилар.

Ҳозир беистисно барча туманларда пахтаси пишиб етилган майдонларда оммавий терим бошлаб юборилди. 161.600 нафар маҳаллий аҳоли ҳозирданок теримга сафарбар этилди. Четдан жалб этиш

мўлжалланган ҳашарчилар ҳам улар сафига қўшилмоқдалар.

Йигим-теримга тайёргарлик кўришга киришишда машина терими учун тайёр ҳолга келди. 234 та терим агрегати, шу жумладан, 200 тадан зиёд «Кейс» мавсумга шай қилинган. Эрта-индин улар ҳам пахтакорларга олиб чиқилади.

Тахририятимизда йигим-терим ишларини кенг ёритиб боровчи гуруҳ ташкил этилди. Терим мавсуми билан боғлиқ турли маълумотлар ҳақида қуйидаги телефон рақамлари орқали хабар беришингиз мумкин: 133-70-10, 133-64-95, 136-53-54.

Миллий дастур



ланган. Шунингдек, ижтимоий касб-хунар коллежи ҳам шу бинода, — деди лицей директори Дилфуза Умрзокова. — Бу билим даргоҳида таълим олган ёшларимизга ҳуқуқшунослик, мактабгача таълим, жисмоний тарбия ўқитувчиси, меҳмонхона иши,

сайёҳликни ташкил этиш ҳамда тикувчилик йўналишлари бўйича дипломлар топширилади. Академик лицейни аъло баҳо-ларга тугатганларга эса, Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент Давлат техника универ-ситетига йўлланма берилади.

— Телекурсларда замонавий усулда қурилган коллеж ва лицейлар ҳақида ҳикоя қилишганда, бизнинг тумани-мизда ҳам шундай ўқув даргоҳ-лари бўлишини орзу қилардим, — дейди лицей талабаси Нилу-фар Ҳакимова. — Шундай

(Давоми 2-бетда).

БЎСТОНЛИК БОЛАЛАРИГА СОВҒА

Ғазалкент шаҳрида 825 ўринли академик лицей биноси фойдаланишга топширилди. Унинг очилиш маросимида вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев иштирок этди.

Тумандаги «Кристалл» ишлаб чиқариш фирмаси ҳомийлигида барпо этилган ушбу мажмуада ёшлар табиий фанлар йўналишида таълим оладилар.

— Академик лицейимиз ўқувчиларнинг аниқ фанлар бўйича чуқур таҳсил кўришига мўлжал-



СУРАТЛАРДА: академик лицейнинг очилишидан лавҳалар. Еркебой БОТИРОВ олган сураатлар.

Обуна — 2004

Биз газетани севиб ўқиймиз

Маълумки, ҳар бир соҳада меҳнат самарадорлигини ошириш, янада юқори натижаларга эришиш учун мониторинг таъмин-ли юритилади. Яъни амалга ошириладиган ишларга нисба-тан жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилади.

Оммавий ахборот воситалари ишида ҳам бу тажриба жуда қўл келади ва журналист ижодий фаолиятида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

«Тошкент ҳақиқати» тахририяти ходимлари ҳам ана шу йўлдан бориб, шаҳар ва туманлардаги ижодий сафарлар жа-раёнида газета ҳақида, унда ёритилаётган мавзуларга жамо-атчилик, айниқса оддий меҳнат-кашларнинг фикрларини, муно-сабатларини билишга қизиқади-лар. Шу аснода имкон қадар ўз

ижодий режаларини тузадилар.

Қуйида вилоятимиз вакилла-рининг айримлари томонидан билдирилган тахририят иши, га-зета ҳақидаги мулоҳазаларини ўқийшингиз мумкин. Зеро, газета халқиники, меҳнаткашларнинг ҳар бир фикри саҳифаларда акс эти-ши лозим.

— Матбуотни мутлола қилиш, радио тинглаш, телевидениени мунтазам кузатиб бориш, авва-ло, кишининг воқеликдан доимо хабардор бўлиб боришини таъ-минлаб, қолаверса, ўз фаоли-я-

тини тўғри йўналтиришга кўма-лашар экан, — дейди Чирчиқ шаҳар санитария-эпидемиология маркази раҳбари Саид Ҳайдаров. — Бошқа матбуот турлари катори «Тошкент ҳақиқати» газетаси-нинг ҳар бир сони билан тани-шиб боришга, унда кўтарилган мавзуларни муҳокама этишга ҳаракат қиламан.

Газетанинг 5 апрель сониди «Олмаликда ноҳуш манзара» сарлавҳали мақола эълон қилин-ган эди. Унда Олмалик шаҳри-даги ободончилик ишларидаги нуқсонлар очиб ташланган эди. Ушбу мақолани ўқигач, шаҳар фаоллари йиғилишида бу маса-лани қўйдим. Барча қўллаб-қув-

(Давоми 3-бетда).



АБДУҚАҲҲОР РЕЖАСИНИ ДЎНДИРДИ

22 гектар майдонда ғўза парваришлаб, шартнома режасини сентябрдаёқ бажаришининг ўзи бўлмайд.

Айниқса, пахтакорлар учун ҳар қачонгидан ҳам оғир келган бу йилги шароитда. Аммо беқобод-лик фермер Абдуқаҳҳор Жаббо-ров бунинг уддасидан чиқди. У қабул пунктига 29 сентябрга-ча 50 тонна сифатли пахта хом ашёси топшириб, шартнома ре-жасини туманда биринчи бўлиб ортиғи билан бажарди.

— Биз об-ҳаво инжиқликла-рига томошабин бўлиб, қўл қовуштириб ўтирмадик, — дейди фермер. — Аксинча, бор имкониятларни ишга со-

либ, парваришга зўр бердик. Ёзани вақтида ўғитга тўйди-риб, сувга қондирдик, қатор ораларини тинимсиз юмша-тиб, тез ва бақувват бўлиб ривожланишига зарур шаро-ит яратдик.

Дарҳақиқат, яйраб ўсган экин-нинг мўл ва сифатли ҳосил тўплаши табиий ҳол. Мана, фер-мер хўжалиги аъзоларининг саъй-ҳаракатлари рўёбга чикди. Биринчи теримдаёқ режа удда-ланиб, хом ашёнинг ҳаммаси юқори навага топширилди.

Давра суҳбати

ОИЛА КЕЛАЖАГИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Тошкент вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низом»ни тасдиқлаш ҳақида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда жамғармаларнинг раҳбарлари, маҳалла оқсоқоллари, соғлиқни сақлаш ва диний идоралар ҳамда оммавий

ахборот воситаларининг раҳбарлари иштирок этишди.

Давра суҳбатини вилоят ҳокимининг ўринбосари

ри, хотин-қизлар қўмитасининг раиси Адиба Аҳмаджонова бошқарди.

Иштирокчилар жамият фаровонлиги, давлат равнақида соғлом оиланинг аҳамияти, баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларни турмушга тайёрлаш ва оила қуриш арафасида йигит-қизларнинг малакали тиббий кўрикдан ўтиши заруратига эътиборни қаратишди. Бу жараёнларда бўлгуси қудандалар, шифокорлар, маҳалла оқсоқолларининг масъулиятига алоҳида урғу берилди.

Ўз мухбиримиз.

СУРАТДА: давра суҳбатидан лавҳа.

Даврон АХМАД олган сурат.



Юқоричирчиқ туманининг Янгибозор қўғонидagi «Истиқлол» қахвахонасида «Обод маҳалла йили»га бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

Унга халқ хўжалигининг турли соҳаларида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган 80 нафар нуроний отахон ҳамда онахонлар таклиф этилди. Улар бир пиёла чой устида ўз ҳаёт йўлларини ёдга олиб, дилдан суҳбатлашишди. Тадбирга Янгибозор маданият уйи ҳаваскорлари — хонандаю созандалар янада файз киритишди.

Латифжон МАНСУРОВ.

БЎСТОНЛИҚ БОЛАЛАРИГА СОВҒА

(Давоми. Боши 1-бетда).

жойларда ўқитган талабаларга ҳавасим келарди. Мана бугун шу истагим рўёбга чиқди. Яратилган шароитлар мустақиллигимизнинг ёшларга тақдим этган катта инъомидир. Янги илм даргоҳи биз ёшлар учун катта имкониятлар очади.

Фойдаланишга топширилган академик лицей биносининг спорт зали ва майдони дунё андозалари услубида қурилган бўлиб, талабалар жисмоний тарбия билан шуғулланишлари учун ҳамма нарса муҳайё. Синфларнинг ўқув фанлари бўйича жиҳозланганлиги амалий машғулотлар самарадорлигини оширади.

Янги таълим муассасаси ўқитувчилар ва мураббийлар кўни арафасида фойдаланишга топширилганлиги туфайли тумандаги бир қатор муаллимларни бу ерга йиғиб, байрам дастурхони ёзилди. Туман ҳокимлиги томонидан илғор ўқитувчиларга фахрий ёрлик ва совғалар топширилди.

Қамолитдин АСҚАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

ЎЗНИ АСРАМОҚ МУҲИМ

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қўрай туман кенгаши қатор мутасаддилар билан ҳамкорликда давра суҳбати ўтказди. Тумандаги Агротижорат касб-ҳунар коллежларида ўтган бу тадбир ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида уюштирилди. Унинг иштирокчилари «Саломатлик — маънавият негизи», «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра!» каби мавзуларда ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришди.

Воҳид БОЙМУРОДОВ.

ТАБИАТ ХАТОМИЗНИ КЕЧИРМАЙДИ

Пойтахтдаги «Шератон-Тошкент» меҳмонхонасида «Экология, маданият, маърифат: тарих ва ҳозирги замон» мавзусида анжуман ўтказилди.

«Экосан» халқаро жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Маънавият ва маърифат» республика маркази ташкил этган ушбу тадбир экологик муаммолар ечимини топишда маданият ва маърифатнинг аҳамияти, Марказий Осиё халқларининг табиатга муносабатининг тарихий негизи, бой маънавий қадриятларимиз асосида алоҳида экологик маданиятни шакллантириш, ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда экологик таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш борасидаги таклифлар ишлаб чиқишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Унда фан ва маданият арбоблари, республикамиз вазирликлари, идоралари, жамоат тузилмалари, шунингдек, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашишди.

Анжуманда «Миллий қадриятлар ва экология», «Экология ва маънавий омиллар», «Марказий Осиёнинг тарихий тараққиёти», «Ўзбекистон, инсон ва табиат уйғунлиги борасидаги маданий аъёнларнинг тарихий илдизи», «Экомаданий қатламлар. Уларнинг жамият маданий тараққиётидаги ўрни», «Инсон ва табиат: тарихий далиллар», «Экология, гигиена ва дин» каби мавзуларда маърузалар тингланди. Унда узлуксиз экологик таълим давлат дастурини ишлаб чиқиш, ўқув дастурларида халқимизнинг табиатни асраб-авайлаш борасидаги тарихий тажрибаси ҳамда аъёнларини очиб берувчи маълумотларни киритиш зарурлиги ҳақида гапирилиб, бир қатор тавсиялар қабул қилинди.

Хуришда МЎМИНОВА.

2003 йил — Обод маҳалла йили

Вилоят ҳокимлигининг мажлислар залида «Энг обод маҳалла» республика кўриктанлови учинчи босқичининг Тошкент вилоятида ўтказилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда ташкилий қўмита аъзолари, вилоят ҳокимлиги вакиллари, шаҳар ва туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари, «Экосан» халқаро жамғармасининг фаоллари, «Маҳалла» хайрия жамғармасининг туман бўлимлари раислари, маҳаллалар оқсоқоллари иштирок этишди.

Йиғилишда «Экосан» халқаро жамғармаси президенти, «Энг обод маҳалла» республи-

УЧИНЧИ БОСҚИЧ МУҲОКАМАСИ

ка кўрик-танловини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита ҳамраиси Юсуфжон Шодиметов, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раисининг ўринбосари Неъмат Абдуллаев, вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдуҳамид Йўлдошев сўзга чиқиб, кўрик-танловнинг 2 та

босқичи доирасида амалга оширилган ишлар, ўтказилган тадбирлар ҳақида ахборот беришди. Шу билан бирга вилоятда ўтказилаётган кўрик-танловнинг бориши, эришилган натижалар, мавжуд муаммолар, йўл қўйилган камчиликлар, уларни бартараф этиш йўллари муҳокама қилинди.

Йиғилишда кўрик-танловнинг 3-босқичини ўтказиш доирасида вилоят нуфузини янада ошириш, республикамизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳаларда барчага ўрнатилган ижобий тажрибаларини ривожлантириш борасида қилиниши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Ташаббус

«ҚАДРИЯТ» ДАВРАСИ — ЗАНГИОТАДА

Мамлакатимизда 2003 йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан маҳаллалар фаолиятини янада жонлантириш, уларнинг жамият ривожидagi иштирокини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви қошида ташкил этилган «Қадрият» давраси ҳам ана шу тадбирларнинг биридир.

Хўш, жамоатчилик асосида фаолият юритувчи бу давранинг асосий мақсади нима? Давранинг дастури ва низоми билан танишиб чиқар экансиз, унинг ўз олдига жуда катта ва савобли ишларни мақсад қилиб қўйганлигига гувоҳ бўласиз. Хусусан, гоё ва миллий мафкурага таянган ҳолда миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган демократик тамойилларни қарор топтириш орқали инсон ҳуқуқлари ва қадр-қимматини улуғлаш, жисмонан соғлом, ақлан етук, дунёқараш теран ва мустақил фикрловчи фуқароларни камол топтиришга йўналтирилган кенг кўламли

маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш унинг дастурига киритилган асосий вазифалардир. Бу ишлар жамоат ташкилотлари, муассасалар, ижодий уюшмалар, маънавият ва маърифат марказлари, хотин-қизлар қўмиталари, таълим, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, маданият ходимлари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний», «Соғлом авлод учун» жамғармалари сингари қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда бевосита маҳаллаларда, турар жойларда давра суҳбатлари, учрашувлар ва бошқа оммавий тадбирлар асосида амалга оширилади.

Шуни таъкидлаш керакки, «Қадрият» давраси ташаббускорлари ўзининг амалий ҳаракатларини Тошкент вилоятидан бошлади. Яқинда Зангиота тумани ҳокимлиги биносидан

давранинг биринчи семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда ҳокимлик, қишлоқ фуқаролар йиғини, маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталари раислари, фаоллари иштирок этдилар.

Йиғилишда биринчи бўлиб сўз олган республика «Маҳалла» жамғармаси раиси ўринбосари Г. Йўлчиева мамлакатимизда «Обод маҳалла йили»да амалга оширилаётган ишлар тўғрисида батафсил ахборот берар экан, унинг қошида ташкил этилган «Қадрият» давраси бу борадаги ишларни янада ривожлантиришда катта ҳисса қўишини таъкидлади. Шундан кейин «Қадрият» давраси раиси А. Азизова йиғилганларга давранинг асосий мақсад ва вазифалари ҳақида маълумот берди. Шунингдек, унда иштирок этган таниқли тарихчи олима, профессор М. Юнусхўжаева, Ўзбекистон ҳуқуқшунос аёллар уюшмаси раиси Ж. Шермухаммедова, республика Вазирлар Маҳкамасининг Дин ишлари бўйича қўмитаси етакчи мутахассиси С. Абдуллаеванинг «Тарихимиз — бойли-

гимиз», «Аёл ва инсон ҳуқуқлари», «Хотин-қизлар ва диний илм» мавзуларидаги чиқишларини қизиқиш билан тингладилар. Учрашувда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Н. Рашидова ҳамда республика «Маҳалла» газетаси бош муҳаррири Ч. Латиповлар ҳам бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

— Бугун ўз ишининг амалий қисмига киришайтган «Қадрият» даврасининг ниятлари катта, — дейди давра раиси А. Азизова. — Бизнинг асосий мақсадимиз Ватан, халқ манфаати, илм-фан тараққиётига, маданий, ҳуқуқий юксалишга, бошқа миллат вакилларига ҳурмат ва эътибор руҳидаги инсонни тарбиялашга ҳисса қўиши. Айни вақтда ақидапарастлик, зўравонликка қарши курашиш ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги ҳар қандай тазйикларни бартараф этиб боришдан иборат. Энг муҳими биз кўпроқ халқ ичига кириб бориб, фикрлар хилма-хиллиги асосида иш кўрмоқдамиз. Ўйлайманки, бу гоё ва мақсадимизни республикамиздаги барча ижодий кучлар, жамоатчилик қўллаб-қувватлайди.

Зулҳумор ЖЎРАЕВА.

«КИТОБ — МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА»

Истиқлолнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда жамиятнинг янги янги бўлиб бораётган ҳаётининг барча жабҳаларига амалий таъсир кўрсатди.

Ижтимоий-маданий ўтиш даврида кишиларнинг китоб маданияти билан мулоқотда бўлиш шакли ва усуллари сезиларли даражада ўзгарди. Эндиликда телевизион каналларнинг кўпайиб, тармоқ телевидениесининг янги имкониятлари, видеотехника, компьютерлар ҳамда интернет тармоғи ўсмир ёшлар ҳаётига кириб келди. Пировардида, ёшлар биров бўлса-да, китоб мутаассасидан узоқлашмоқдалар.

Тошкент вилояти кутубхоналар ассоциацияси Зангиота туман бўлимининг республика миқёсида ўтказилаётган «Мутаала куни»га бағишланган «Китоб — менинг тақдиримда» деб номланган учрашув кечасида ана шулар ҳақида сўз борди. Кечага тумандаги ўқув муассасалари ҳамда зиё масканларининг китобхоналари, ташкилот вакиллари ташриф буюришди. Учрашувда Ўзбекистон Қҳрамонлари Озод Шарафиддинов билан Зикир Мухаммадзонов, халқ шоири Шукрулло, адабиётшунос олим, профессор Наим Каримов, шоир Мирпўлат Мирзо, бастакор Дилором Омонуллаева, Алишер Навоий номидаги миллий кутубхона раҳбари Абдусалом Умаров, «Турон» вилоят кутубхонасининг директори Вазир Собировалар иштирок этишди.

Вилоят «Турон» илмий-универсал кутубхонасида бўлиб ўтган тадбир ҳам давом этаётган мутаала кунларининг манتيкий давоми бўлди. Тадбирда «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида ва бошқа нашриётларда босмадан чиққан китоблар кўргазмаси ҳамда нашриётлар фаолияти билан таништирув бўлиб ўтди.

Бу тадбирлар китобхоналарда катта қизиқиш тугдирмоқда.

Ўз мухбирларимиз.

Пахта — 2003



Бекобод — вилоятда энг кўп пахта етиштирадиган туман. Улуғбек номли ширкат хўжалиги эса, шу тумандаги энг йирик пахтакор хўжаликлардан бири. Хусусан, бу йил хўжаликнинг 165 нафар оилавий пудратчиси 1282 гектар майдонда гўза парваришлади. Шунча ерга чигит қадаб, тўлиқ кўчат олиш,

Маълумки, бу йил чигит экилиб, пахта очилгунча дехқонларимиз машаққатли йўлни босиб ўтдилар. Чунки, уруғни экиш сўрункали ёғин-сочинлар туфайли кечикиб, унинг униб чиқиш жараёни ҳам орқага сўрилиб кетди. Шу сабабдан кўзланган ҳосилни етиштириш учун ҳар йўлидан кўра кўпроқ меҳнат қилишга тўғри келди.

Шундай меҳнат билан етиштирилган пахтани териб, даладан пунктгача нобуд қилмай саранжомлаб олиш учун вилоят ички ишлар бошқармаси томонидан қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. 2003 йилги пахта йиғим-терими мавсумида жамоат тартибини сақлаш, ҳосилни ёнғиндан асраш, йўللарда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича тегишли хизматларга аниқ вазифалар юклатилди. Вилоятимиздаги тезкор вазиятни назорат қилиш, унинг ўзгаришига қараб, чора-тадбирлар кўриш, ички ишлар идораларининг бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорлигини таъминлаш, жойларда жамоат тартибини

ИМКОНИЯТЛАР ИШГА СОЛИНМОҚДА

ишловни ўрнига қўйиб, мўл ҳосил етиштириш осон эмас, албатта. Бироқ, бу йилги вазият дехқонларни энг шимариб, астойдил меҳнат қилишга мажбур этди. Ҳар туп гўзада мўлжалдаги ҳосил тўпланаётган

тини кузатган пудратчилар терим олдида сўнгги тадбир — дефолиация мuddатини тўғри белгилашга алоҳида эътибор қаратишди.

Сидқидилдан қилинган меҳнат, ниҳоят, ўз самарасини

берди. Далаларда шартнома режасига яраша ҳосил тўпланди. Айни кунларда хўжаликда оммавий йиғим-терим қизгин бошлаб юборилди. Асосий эътибор ички имкониятларни тўлиқ сафарбар этишга қаратилмоқда. Мақсад — давлатга 3500 тонна пахта сотиш юзасидан тузилган шартнома режасини октябрдан кечикмай бажариш.

СУРАТЛАРДА:

тажрибали механизатор Аҳмаджон Отавалиев; бош пудратчи Тошали Имомов пудратчи Аҳмаджон Сулаймоновга қарашли даладаги ҳосил чўғини кўздан кечиришмоқда.

Даврон АХМАД
олган
суратлар.



МАҚСАД — НОБУДГАРЧИЛИКНИ БАРТАРАФ ЭТИШ

сақлаш фаолиятининг самарали ташкил қилинишига амалий ёрдам кўрсатиш ва бу хизматни доимий равишда назорат қилиб, хизмат интизомини янада мустаҳкамлаш учун жавобгар шахслар тайинланиб, махсус гуруҳ тузилди.

Пахта йиғим-теримидаги вазиятлар ҳақида маълумотлар йиғиш, умумлаштириш ва ахборот бериш, бўлаётган вазиятлар таҳлили асосида жамоат тартибини сақлаш борасида режа ва қарорлар тайёрлаш, кўрсатмаларни ўз вақтида жойларга етказиб туриш учун тезкор комиссия қошида ишчи гуруҳ ҳам ташкил этилди. Шунингдек, мавсум давомида йиғим-терим ишларини ташкил этиш ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида масъул ходимлар белгиланди. Жамоат тартибини тўлиқ сақлаш мақсадида жойларга бириктирилган куч ва воситалар тақсими ишлаб чиқилиб, ҳар бир пахта экилган майдоннинг хари-таси бўйича муайян чоралар

белгиланди.

Қисқа мuddатда ёнғинга қарши кураш бошқармаси шахсий таркиби тайёргарлиги, ўт ўчириш техникалари ҳолати тўлиқ текшириб чиқилди. Ҳосилни йиғиб олишда қатнашадиган ишчилар, ҳайдовчилар ва механизаторларга ёнғиннинг олдини олиш мақсадида йўриқномалар берилди. Шу билан бирга ҳар бир транспорт воситасида учкун сўндиргичлар бўлиши таъминланиб, пахта пунктлари ва майдонларида ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги суратлар ўрнатиб чиқилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мавсум давомида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам бир қанча чоралар белгиланди. Терим мавсумидаги ишларга жалб этилган транспорт воситалари техник кўрикдан ўтказилиб, ҳайдовчилар билан йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Пахта теримида жалб қилинган ҳашарчиларни ҳамда ёрдам-

чиларни манзилга олиб бориш ва пахта карвонлари қатнайди-ган йўллар ўрганиб чиқилиб, камчиликлар бартараф этилди. Асосий хомашёмиз ноқонуний равишда қўшни республикаларга ўтиб кетишининг олдини олиш мақсадида чегара ҳудудларида маҳалла ва чегара посбонлари, жамоатчилик вакиллари жалб қилган ҳолда гуруҳлар тузилиб, чегара ҳудудлари бўйлаб милиция масканлари ташкил этилди.

Бундан ташқари, жойларда ички ишлар ходимлари, маҳалла постлари ва профилактика нозирлари, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари иштирокида маҳаллий аҳоли билан учрашувлар ўтказилмоқда. Бундан мақсад мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш, ҳосилни нес-нобуд қилмай, талон-торожликка йўл қўймай йиғиб-теришдан иборат.

Вилоят ички ишлар идоралари ҳашарчиларнинг тинчлиги, оқойишталлигини сақлаб, пахтани пунктларга жойлаштириш, уни эҳтиётлаб сақлаш йўлида ҳамisha хушёр турибдилар.

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

БИЗ ГАЗЕТАНИ

СЕВИБ УҚИЙМИЗ

ларга ҳам катта ёрдам бўлади.

— Кишлоқ хўжалигига оид мақоаларни синчиклаб ўқийман, — дейди зангиоталик Тоир Исмоилов. — Айниқса, у бугунги мураккабликлар, ундаги дуч келинаётган муаммолар хусусида бўлса.

Айни кунда хўжаликларда бўлсангиз, турли хил муаммоларнинг устидан чиқасиз. Баъзан техникада етишмовчилик бўлса, гоҳо ўғит масаласи ёки ишчиларга мошларнинг вақтида берилмаслик ҳолларини учратиш мумкин. Барча таҳририятда бўлгани сингари «Тошкент ҳақиқати» газетасида ҳам кишлоқ хўжалик соҳасини ипидан игнасиғача тушуновчи, вилоятнинг қай бир ерида қандай экиннинг кўнгилдагидек бўлишини биладиган журналистлар қалам тебратишади. Уларнинг бу соҳага оид мақоаларини мунтазам кузатиб бораман.

— Бир танишим Тошкентдаги Кўйлик бозоридан мато сотиб олган экан, — деди Куйичирқининг Дўстлик маҳалласида яшовчи Суннат Ҳайдаров. — Мато сифатсиз, тешик

дай удалаяпти?

— Нимагадир бир мавзунга газета саҳифаларида кам учратаман, — деди окўрғонлик Замира Абдурашидова. — У ҳам бўлса, ёшлар ўртасидаги ишсизлик ва бунинг ортидан келиб чиқаётган жиноятчиликдир. Тўғри ҳуқуқбузарликлар ҳақида жуда кўп ёзилади. Аммо, унинг сабаблари келганда ҳеч ким лом-мим демайди.

Бу каби фикрлар, мулоҳазалар, таклифлар ҳақида узок

ёзиш мумкин. Барчада турлича қараш, турлича ёндашув. Кимдир ўз қизиқишидан келиб чиққан ҳолда матбуот олдида вазифа қўйса, яна кимдир ўзини қийнаётган муаммога матбуотдан жавоб излайди. Бошқалар жамиятдаги мавжуд камчилигу нуқсонлар ҳақида ўқишни истайди.

Биз матбуотчиларнинг вазифаси эса бу каби таклиф, фикр-мулоҳаза ва талабларни инобатга олишдир.

Таҳририят хатлар бўлими.



«Тошкент ҳақиқати»га обуна давом этмоқда!
Эслатиб ўтамиз: бизнинг индекс — 205.

ватлади. Чирчикдаги ободончилик ишларини янада жонлантириш мақсадида аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Таҳририят ижодкорлари бундан буён ҳам жойларда эришилаётган ютуқлар билан бир қаторда йўл қўйилаётган камчилик ва хатоларни таҳлил этган ҳолда ёритиб борсалар, бу бошқаларга ўрнак бўлади.

— Газета киши маънавиятини юксалтиришда муҳим ўрин эгаллайди, — дейди келеслик ўқитувчи Саодат Усмонова. — Мен ҳам ўқув жараёнида нашрлардан кенг фойдаланишга ҳаракат қиламан. Улардаги киши маънавиятини юксалтиришга ҳисса қўша оладиган мақоаларни ўқувчиларга ўқиб бераман ва биргаликда муҳокама этамиз.

Кейинги пайтларда «Тошкент ҳақиқати» газетаси саҳифаларида болалар тарбияси, бугунги ёшларни маънавий қиёфалари ҳақидаги таҳлилий, кишиларни мунозарага chorловчи мақоалар жуда кам учрамоқда.

Истардимки, ҳатто дарс жараёнида дарслик сифатида фойдаланиш мумкин бўлган, сода ва тушунарли тилда ёзилган, турли мавзулардаги мақоалар кўпайиб борса. Бу биз ўқитувчи-

(Давоми. Боши 1-бетда).

Dushanba

6

«Ўзбекистон»
телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
8.45 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
8.50 Мусикий танаффус.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар.
10.05 «Нурли манзиллар».
10.20 «Оламга саёхат». Кинокурсов.
10.40 Ўзбекистон телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
11.00 Теннис бўйича «Тошкент оупен»

халқаро турнири.
«Болалар сайёраси»:
13.00 1. «Фаройибкентга саёхат».
2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
14.10 NHK тақдим этади: «Буюк Ипак йўли». Телесериал. премьераси.
15.00 ТВ анонс.
15.05 «Адабий жараён».
15.25 Кундузги сеанс: «Бирни кўриб шукур қил». Бадий фильм.
17.05 «Аёлини эъзозлаган юрт».
17.25 «Иқтидор». Интеллектуал телеўйин.
17.55 ТВ маркет.
18.10 «Мумидолга куз келди». Мультфильм.
18.30 «Олтин мерос».

18.45 «Мулкдор».
19.05 Эстрада тароналари.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 2003 йил - Обод маҳалла йили. «Кўпчилик қаторида».
21.25 ТВ клип.
21.35 «Ошин». Телесериал.
22.35 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнирининг тантанали очилиши.
23.35 «Япония турмуш тарзи». Хўжатли телесериал.
23.55 «Ахборот-дай-жест».
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»
телеканал

16.30 Кўрсатувлар дастури.
16.35 «Янги авлод» почтаси, Кичкинтой-миз-гизингоймиз.
17.20 Жаҳон жугрофияси.
18.10 Ёшлар овози.
18.30 ТВ - анонс.
18.35 Тафаккур ёлқинлари.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ - анонс.
19.40 «Мехр кўзда». Мақтубларга шарҳ.
20.00 Мусикий лаҳзалар.
20.10 Сув - ҳаёт манбаи.
20.15 Одил сўз.
20.35 ТВ - адвокат.
20.40, 21.25, 22.35 Ёлонлар.
20.45 «Гвадалупе».

Телесериал.
21.30 Кишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
0.25 - 0.30 Хайрли тун.

«Тошкент»
телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бухам кино».
17.40 Болажонлар экран.
17.55 «Хориж хабарлари» (рус)
18.00, 21.10 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Халқ саломатлиги йўлида».
18.30, 20.00, 20.35, 22.00 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз».

19.05 «Хориж хабарлари».
19.10 ТТВда сериал: «Ой нури агентлиги».
20.20 «Avto-news».
20.50 «Инсон ва қонун».
21.20 ТТВда сериал: «Лўлининг бахти».
22.20 Кинонигоҳ. «Севги барики кечиради».
23.50-23.55 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро»
телеканал

ОРТ. 6.00 - 7.00.
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.15 «Парле ву франсе?»
16.40 «Мультсеанс».
17.00 «Евроњуос» янгилликлари.
17.20 «Еврофутбол».
17.30 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини».

Сериал.
19.00 «Мени кутгил».
20.00 «Время».
20.30 «Бизнес ревью».
20.35 «Бугунги медицина».
20.50 «Хусусийлаштириш: кадам-бақдам».
21.10 «София Ротару ижросидаги концерт дастури».
22.50 «Ахборот».
23.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

16.55 Дастурнинг очилиши. 17.00 «Маърифий дастур». 17.30, 20.45 «Телехамкор». 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Жамоа». 19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Дронго». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабринома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Конвой». 23.15 «30-канал»да спорт.

Seshanba

7

«Ўзбекистон»
телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектефильм» намоиши: «Афросиёб», «Сехрли камон».
9.20 «Соғлом она - соғлом бола».
9.40 «Рангин дунё».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар.
10.05 «Мулкдор».
10.25 Симфоник мусиқа дунёси.
10.40 «Кўпчилик қаторида».
11.00 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнири.
13.00 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Муносабат».
14.40 ТВ клип.
14.50 NHK тақдим этади: «Буюк Ипак йўли». Телесериал. премьераси.

15.40 ТВ клип.
15.50 «Бизнес ҳафта».
16.05 «Экран хандаси».
16.15 ТВ анонс.
16.20 «Кўшиғим - жон кўшиғим».
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари. «Ўзбектефильм» намоиши: «Ҳамкорликнинг янги босқичи».
18.45 Репортаж.
18.50 «Олтин бешик».
19.10 «Шарқ тароналари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истеъмолчи».
21.25 «Ошин». Телесериал.
22.25 «Нурли чўққилар».
22.45 Теннис бўйича

«Тошкент оупен» халқаро турнири кундалиги.
23.05 «Ахборот-дай-жест».
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»
телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус. Болалар учун концерт.
9.50 Тонгги сериал: «Живз ва Вустер» 13-қисм.
10.40 Саломатлик сирлари.
11.00 «Давр» ҳафта ичида.
11.30 ТВ - адвокат.
11.35 «Гвадалупе». Телесериал.
12.15 Ёшлар овози.
12.35 Одил сўз.
12.55 Мусикий лаҳзалар.
13.00 Давр.
13.10 ТВ - анонс.

13.15 «Янги авлод» почтаси, Кичкинтой-миз-гизингоймиз.
14.00 Интерфутбол.
15.40 Кишлоқдаги тенгдошим.
16.00 «Учинчи сайёра». Маърифий дастур.
16.30 Кўрсатувлар дастури.
16.35 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
16.55 Мультфильм «Трям - салом».
17.05 Кўёшли юрт одамлари.
17.25 Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари «Япониянинг боқий маданияти». Сериал 1-қисм.
17.45 Таянч.
18.05 ТВ - анонс.
18.10 Истиклол умидлари.
18.30 Автопатрул.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» - интервью.
19.50 ТВ - анонс.
19.55 Мусикий лаҳзалар.
20.05 Ўзбек мумтоз шеърятидан: Алишер Навоий.

20.10 Дийдор.
20.30 ТВ - адвокат.
20.35, 21.20, 22.35 Ёлонлар.
20.40 «Гвадалупе». Телесериал.
21.25 Ёшлар овози.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1.Нокаут, 2.Теннис.
23.45 «Ура», «Серенада». Телевизион бадий фильмлар.
0.35 - 0.40 Хайрли тун.

«Тошкент»
телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бухам кино».
17.40 Болажонлар экран.
17.55 «Хориж хабарлари» (рус)
18.00, 21.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Химоя».
18.30, 20.00, 21.25, 22.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз».

19.05 «Хориж хабарлари».
19.10 ТТВда сериал: «Ой нури агентлиги».
20.20 «Туризм ҳақида».
20.50 «Тошкент ва тошкентликлар».
21.10 «Мохир».
21.50 ТТВда сериал: «Лўлининг бахти».
22.50 Кинонигоҳ. «Бахтли воқеа».
00.10-00.15 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро»
телеканал

ОРТ. 6.00 - 7.00.
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Теннис. Тошкент Оупен».
17.30 «Евроњуос» янгилликлари.
17.50 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
18.50 «Кулгу хонаси».
19.40 «Спорт масканларида».
20.00 «Время».
20.30 «Бизнес ревью».
20.35 «Хроника».
20.45 «FCN Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида)

20.55 «Форд Боярд».
22.15 Кинематограф. «Осмондан тушган фаришталар». Бадий фильм.
23.50 «Ахборот».
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар». Сериал. 10.40 «Маърифий дастур». 11.10 «Тез ёрдам». Сериал. 12.00 «Конвой». Комедия. 13.30 «У қотиллики баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «Кикбоксинг империяси». 16.40 Хўжатли сериал. 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Қотил вируси». 19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Турецкий марши». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабринома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Адреналин». 23.15 Рестлинг титанлари.

Chorshanba

8

«Ўзбекистон»
телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектефильм» намоиши: «Эллиқ-аля».
9.20 «Соз сехри».
9.40 «Олтин бешик».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар.
10.05 «Нурли чўққилар».
10.25 «Саргузаштлар ороли». Телешоу.
10.55 ТВ анонс.
11.00 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнири.
13.00 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Истеъмолчи».
14.30 Кундузги сеанс: «Кизил қор ёқанда». Бадий фильм.

15.45 «Ягона оилада».
16.15 ТВ клип.
16.25 «Яшиллик».
«Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Болаликнинг мовий осмони».
2. «Соғлом танда - соғ ақл!»
18.10 «Қалб гавҳари».
18.30 «Умид». Телелотерея.
18.55 Бир жуфт кўшиқ.
19.05 «Ҳаёт ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Миллий Университет». 1-қисм.
21.25 «Ошин». Телесериал.
22.25 «Фарз ва қарз».
22.45 ТВ клип.
22.55 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнири

кундалиги.
23.15 «Ахборот-дай-жест».
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»
телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
9.40 «Мульттомоша».
9.55 Тонгги сериал: «Живз ва Вустер» 14-қисм.
10.45 «Давр» - интервью.
11.00 Таянч.
11.20 ТВ - адвокат.
11.25 «Гвадалупе». Телесериал.
12.05 Ёшлар овози.
12.25 Дийдор.
12.45 Шарқ тароналари фестивали оҳанглари.
13.00 Давр.

13.10 ТВ - анонс.
13.15 «Мехр кўзда». Мақтубларга шарҳ.
13.35 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1 Нокаут. 2 Теннис.
14.35 Кўёшли юрт одамлари.
14.55 Мусикий лаҳзалар.
15.05 Автопатрул.
15.25 «Қойилмақом жиноят». Бадий фильм.
16.55 ТВ - анонс.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
17.25 Мультфильм.
17.45 Ёшлар давраси.
18.20 Кўнгли покнинг уйи обод.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ - анонс.
19.40 Ёшлар овози.
20.00 Спорт - лото.
20.10 Мусикий лаҳзалар.
20.20 Чемпион сирлари.
20.40, 21.25, 22.35

Ёлонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Бир ўлкаки.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
0.25-0.30 Хайрли тун.

«Тошкент»
телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бухам кино».
17.40 Болажонлар экран.
17.55 «Хориж хабарлари» (рус)
18.00, 20.45 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Мусикий меҳмонхона».
18.30, 20.00, 21.15, 22.10 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
19.05 «Хориж хабарлари».

19.10 ТТВда сериал: «Ой нури агентлиги».
20.20 «Аёл-она, мурабий, раҳбар» телеклуби.
20.55 «Ҳамшаҳарлар».
21.30 ТТВда сериал: «Лўлининг бахти».
22.30 Кинонигоҳ. «Тўйдаги кўшиқчи».
24.00-00.05 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро»
телеканал

ОРТ. 6.00 - 7.00.
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 Теннис. Тошкент оупен.
17.30 «Евроњуос» янгилликлари.
17.50 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
18.50 «Аншлаг».
19.35 «Ҳинд оҳанглари».
20.00 «Время».
20.30 «Бизнес ревью».
20.35 «Форд Боярд».
21.55 И. Аллегро ва ижросидаги концерт дастури.

23.45 «Ахборот» (рус тилида)
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар». Сериал. 10.40, 16.00 «30-да спорт». 11.10 «Тез ёрдам». Сериал. 12.00 «Адреналин». Ўткир сюжетли фильм. 13.30 «У қотиллики баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.40 Хўжатли сериал. 18.00 «30-канал» кинооқшоми. «Гладиатор-2000». 19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Турецкий марши». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабринома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Уруш санъати». 23.15 Спорт дастури.

Payshanba

9

«Ўзбекистон»
телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Болаликнинг мовий осмони».
2. «Соғлом танда - соғ ақл!»

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар.
10.05 «Қалб гавҳари».
10.25 «Кўнгли наволари».
10.40 «Хунарманд».
11.00 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнири.
13.00 «Ошин». Телесериал.
14.10 ТВ анонс.
14.15 «Фарз ва қарз».
14.35 Кундузги сеанс:

«Эртақлар тарқ этган дара». Бадий фильм.
15.50 «Муносабат».
16.10 ТВ клип.
16.20 «Оламни асранг!»
«Болалар сайёраси»:
16.40 1. «Сехрли харфлар оролчаси».
2. «Цирк цирк, цирк».
17.40 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.10 Репортаж.
18.20 «Сихат-саломатлик».
18.40 «Мусиқа ва театр».
19.00 ТВ-консалтинг.
19.05 «Мулкдор».
19.25, 19.55, 20.25,

21.00 Ёлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртаклари».
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Миллий Университет». 2-қисм.
21.25 ТВ клип.
21.30 Телемулқот.
22.10 «Ошин». Телесериал.
23.10 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнири кундалиги.

23.30 «Ахборот-дай-жест».
23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»
телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
9.40 «Гуллар шаҳри». Мультфильм.
10.05 Тонгги сериал:

«Живз ва Вустер» 15-қисм.
10.55 Ёшлар овози.
11.15 ТВ - адвокат.
11.20 «Гвадалупе». Телесериал.
12.00 Спорт қитъаси (рус тилида)
12.30 Чемпион сирлари (рус тилида)
12.50 Бахтли болалик кўшиклари.
13.00 Давр.
13.10 ТВ - анонс.
13.15 Кўнгли покнинг уйи обод.
13.35 Интерфутбол.
15.15 Мусикий лаҳзалар.
15.25 Истиклол умидлари.

15.45 Биз билган ва билмаган дунё.
16.05 Бир ўлкаки.
16.25 «Озод Ватан ёшлари ёққан машъала» («Ўзбектефильм»)
16.55 ТВ - анонс.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» студияси: Томир.
17.30 «Мульттомоша».
17.45 Кафолат.
18.05 Ёшлар овози.
18.25 Табобат оламида.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55

Иклим. 19.00 Давр. 19.35 «Давр» – интервью. 19.50 ТВ – анонс. 19.55 Ракурс. 20.15 Мусикий лаҳзалар. 20.20 Кутқарув «050». 20.35 ТВ – адвокат. 20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар. 20.45 «Гвадалупе». Телесериал. 21.30 Мезон.	21.50 Олтин мерос. 22.00 Давр. 22.40 ТВ-анонс. 22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол. 0.25-0.30 Хайрли тун. «Тошкент» телеканали 17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино». 17.40 Болажонлар экрани.	17.55 «Хориж хабарлари» (рус) 18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси. 18.10 «Навнихол». 18.30, 20.00, 20.50, 22.05 «Пойтахт» ахборот дастури. 18.45 «Табриқлаймиз-кутлаймиз». 19.05 «Хориж хабарлари». 19.10 ТТВда сериал: «Ой нури агентлиги». 20.20 «Бурч ва масъулият».	21.05 «Эл хизматида». 21.25 ТТВда сериал: «Лўлининг бахти». 22.25 Кинонигоҳ. «Масъум қалблар меҳмонхонаси». 00.05-00.10 Хайрли тун, шахрим! «Халқаро» телеканали ОРТ. 6.00 – 7.00. 15.55 Кўрсатувлар тартиби. 16.00 Теннис. Тошкент оупен.	17.30 «Евроныйос» янгиликлари. 17.50 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал. 18.50 «Хулио Иглесиас». Хужжатли фильм. 19.15 CFI тақдим этади: «Байрамлар юрти». 20.00 «Время». 20.30 «Бизнес ревью». 20.35 «Ишбилармон кишилар». 20.55 «FCN Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 21.05 Кинематограф. «Ок	тўфон». Бадий фильм. 23.05 «Ахборот». 23.40 «Тунингиз осуда бўлсин!» 30-канал 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал. 10.40, 16.00 «30»да спорт. 11.10 «Тез ёрдам». Сериал. 12.00 «Уруш санъати». Ўткир сюжетли фильм. 13.30 «У	қотиллики баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.40 Хужжатли сериал. 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Виждон номи билан». 19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Турецкий марши». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми. «Уйқусизлик». 23.15 Спорт дастури.
--	---	---	--	---	--	--

Juma 10

«Ўзбекистон» телеканали 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 -8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. «Болалар сайёраси»: 9.00 1. «Сехрли ҳарфлар оролчаси». 2. «Цирк, цирк, цирк». 10.00 -12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. 10.05 «Сихат-саломатлик». 10.25 Мусикий танаффус. 10.40 «Хаёт ва қонун». 11.00 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнири. 13.00 «Ошин». Телесериал. 14.10 Телемулоқот. 14.50 Кундузги сеанс: «Сирли шарча». Бадий фильм.	15.55 ТВ анонс. 16.00 «Фанимиз истиқболлари». «Болалар сайёраси»: 16.20 1. «Ёш юлдузлар». 2. «Ўйла, Изла, Топ!» 17.20 «Озод юрт одамлари». 17.40 «Давр садолари» фестивалининг тантанали очилиши. 18.10 «Чорраҳа». 18.30 Мумтоз наволар. 18.40 «Агар Сиз». Токшоу. 19.05 «Ҳидоят сари». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 Бир жуфт кўшиқ. 20.30 «Ахборот». 21.05 «Муносабат». 21.35 «Ошин». Телесериал. 22.35 Теннис бўйича «Тошкент оупен»	халқаро турнири қўндалиги. 22.55 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи». 23.55 «Ахборот-дайжест». 00.15-00.20 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканали 6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури. 9.00 Давр. 9.15 ТВ – анонс. 9.20 «Янги авлод» студияси: Томир. 9.45 «Фил полвон оғриб қолди». Мультфильм. 9.55 Тонги сериал: «Живз ва Вустер» 16-қисм. 10.45 «Давр»-интервью. 11.00 Мезон. 11.20 ТВ – адвокат. 11.25 «Гвадалупе». Телесериал. 12.05 Ёшлар овози. 12.25 Ракурс. 12.45 «Шарқ таронала-	ри» фестивали оҳанглари. 13.00 Давр. 13.10 ТВ – анонс. 13.15 Болалар шеърояти. Ҳосил байрами. 13.25 Интерфутбол. 15.05 Мусикий лаҳзалар. 15.15 Кафолат. 15.35 Бадий фильм. 17.05 ТВ – анонс. 17.10 Кўрсатувлар дастури. 17.15 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима? 17.35 «Мульттомоша». 17.50 «Япониянинг боқий маданияти». Сериал 2-қисм. 18.10 Озод юрт фарзандлари. 18.30 Аскар мактублари. 18.50 Олтин мерос. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 Давр. 19.35 «Давр» нигоҳи. 19.55 Мусикий лаҳзалар. 20.05 Азизим. 20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар. 20.45 «Гвадалупе». Телесериал.	21.30 Қишлоқдаги тенгдошим. 21.50 Олтин мерос. 22.00 Давр. 22.40 ТВ – анонс. 22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1.Футбол плюс, 2.Ринг кироллари. 0.05 «Совга». Телевизион бадий фильм. 0.40 – 0.45 Хайрли тун. «Тошкент» телеканали 17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино». 17.40 Болажонлар экрани. 17.55 «Хориж хабарлари» (рус) 18.00, 20.50 «Экспресс» телегазетаси. 18.10 «Биз ва болалар». 18.30, 20.00, 21.00, 22.25 «Пойтахт» ахборот дастури. 18.45 «Табриқлаймиз-кутлаймиз». 19.05 «Хориж хабарлари».	19.10 ТТВда сериал: «Ой нури агентлиги». 20.20 «Ибрат». 21.15 ТТВда сериал: «Қиш сонатаси». 22.45 Кинонигоҳ. «Ажойиб ферма». 00.15-00.20 Хайрли тун, шахрим! «Халқаро» телеканали ОРТ. 6.00 – 7.00. 15.55 Кўрсатувлар тартиби. 16.00 Теннис. Тошкент оупен. 17.30 «Вести». 17.40 «Бинафша». 18.05 «Спорт технологияси». 18.20 «Евроныйос» янгиликлари. 18.40 «Топ-музик». 18.50 «Мўъжизалар майдони». 20.00 «Время». 20.30 «Бизнес-ревью». 20.35 «INTER дайджест». 20.50 «Дурдаршан». 21.20 «Дунёга назар». 21.50 «Нима? Қерда? Қачон?»	23.10 «Хит парад». 23.40 «Ахборот». 00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!» 30-канал 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал. 10.40 «Кикбоксинг империяси». 11.10 «Тез ёрдам». Сериал. 12.00 «Уйқусизлик». Триллер. 13.30 «У қотиллики баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30» да спорт. 16.40 «Хужжатли сериал». 18.00 «30-канал»да ринг кироллари. 18.50 Юмор дастури. 19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Турецкий марши». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми. «Ворошилов мергани». 23.15 Спорт дастури.
---	---	---	--	--	---	--

Shanba 11

«Ўзбекистон» телеканали 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 Газеталар шарҳи. 8.50 Афиша. «Болалар сайёраси»: 9.00 1. «Ёш юлдузлар». 2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 10.00 «Ҳидоят сари». 10.20 «Бу турфа олам». 11.00 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнири. 13.00 «Ошин». Телесериал. 14.00 «Изҳор». Мусикий телемонолог. 14.15 «Адабий жараён». 14.35 «ТВ 1 да кинокомедия: «Чарли». Бадий фильм. 1-қисм. 15.35 «Шанбада учрашамиз». 15.55 «Ягона оилада». 16.25 «Чарли». Бадий	фильм. 2-қисм. 17.25 «Ҳиммат». 17.40 «Бир кулишайлик». 17.55 «Саргузаштлар ороли». Телешоу. 18.25 «Рангин дунё». 18.45 «Интеллектуал ринг». Телеўйин. 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот». 21.05 «Халқнинг кўнгли». Ижодкор ва томошабинлар учрашуви. 21.40 «КиноТеатр». 22.00 «Талваса». Видеофильм премьераси. 1-қисм. 22.40 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнири қўндалиги.	23.00 «Ахборот-дайжест». «Тунги ёғду»: 23.20 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Гамлет». Бадий фильм. 1-қисм. 00.35-00.40 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканали 6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Давр» нигоҳи. 9.35 ТВ – анонс. 9.40 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима? 10.00 «Мульттомоша». 10.15 Табобат оламида. 10.40 Ринг кироллари. 11.30 «Ниҳол» мукофоти совриндорлари қўйлайди. 11.45 «Гвадалупе». Телесериал. 12.25 Кутилмаган меҳмон. 12.45 Тазим сизга, устозлар!	13.15 «Маҳабхорат». Бадий фильм 4-қисм. 14.15 ТВ-анонс. 14.20 Қишлоқдаги тенгдошим. 14.40 «Экспедиция». Кўп қисмли хужжатли сериал. 15.30 Озод юрт фарзандлари. 15.50 «Ёввойи мушук дарасидан қочиш». Бадий фильм. 17.20 ТВ-анонс. 17.25 «XXI аср ўзбек театри» («Ўзбектелефильм») 17.55 Кўрсатувлар дастури. 18.00 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма. 18.25 Қўшқулоқ. 18.40 Каталог. 18.50 Олтин мерос. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 Давр. 19.35 «Давр» - репортаж. 19.45 ТВ – анонс. 19.50 Мусикий лаҳзалар. 20.00 Сув – ҳаёт манбаи. 20.05, 21.05, 22.35 Эълонлар. 20.10 «Маҳабхорат».	Бадий фильм 5-қисм. 21.10 Оҳанрабо. 21.50 Олтин мерос. 22.00 Давр. 22.40 ТВ-анонс. 22.45 Кинотақдим. 23.05 «Ёшлар» телеканалида премьераси: «Тоғлар аро 7 йил». Бадий фильм. 1.05-1.10 Хайрли тун. «Тошкент» телеканали 17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино». 17.40 «Мультчархпалак». 18.00, 21.45 «Экспресс» телегазетаси. 18.10 «Билим» телеклуби. 18.30 «Афиша». 18.50-Мисли гавҳар». 19.05 «Табриқлаймиз-кутлаймиз». 19.25 «Жаҳон географияси». 19.55 «Озод ва обод юрт». 20.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам». 20.35 ТТВда сериал: «Қиш сонатаси».	21.55 Кинонигоҳ. «Бу улкан олам». 23.25-23.30 Хайрли тун, шахрим! «Халқаро» телеканали 9.05 Кўрсатувлар тартиби. 9.10 «Лаззат». 9.30 «Сўнги қаҳрамон. Орзулар ушалиши». 10.30 «Клонлаштириш. Ҳақиқат ва ёлгон». 11.00 Болалар соати: «Аманда». Бадий фильм. 12.40 «Бола бошидан». 12.55 CFI тақдим этади: «Илм фан афсонаси». 13.40-14.40. Дўстлик видеоканали: «Ўзбекистон умумий уйимиз», «Бизнен мирас», «Немис шарҳи». 15.55 Кўрсатувлар тартиби. 16.00 «Теннис. Тошкент оупен». 17.30 «Мультсеанс». 17.55 «Билишни истайман». 18.10 «Дунё мамлакатлари. Швейцария».	18.35 «Хикоя». 19.00 «Сўнги қаҳрамон» «Ўйин тугаши». 20.00 «Время». 20.20 «Футбол. Европа-2004 чемпионати Россия-Грузия терма командалари». 22.20 «Олтин граммофон». 23.20 «Ахборот». 23.55 «Тунингиз осуда бўлсин» 30-канал 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 «Телехамкор». 9.30 «Динозаврлар». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 11.30 «Маърифий дастур». 12.00 Оилавий кино. «Тиришқок». Ўткир сюжетли фильм. 13.40 Шоу дастури. 14.30 Ҳинд киноси. 17.00 Телеўйин. 18.10 «30-канал» кинооқшоми. «Қароқчи». 19.45 «Ошиқона». Мусикий дастур. 20.00 «Спорт-экстрим». 20.30 «Клип-совга». Телетабрикнома. 21.05 «Тайга». Сериал. 22.00 «30-канал»да кинооқшом. «Яширинча кўрkitиш». 23.45 Мусикий дастур.
---	--	--	---	---	--	---

Yakshanba 12

«Ўзбекистон» телеканали 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур. 9.40 «Кўҳна замин оҳанглари». 10.00 «Ватанимга хизмат қиламан». 11.00 «Она меҳри». 11.20 «Бу турфа олам». 12.10 «Интеллектуал ринг». Телеўйин. 12.50 «КиноТеатр». 13.10 «Бойвачча Рич». Бадий фильм. 14.40 «Маърифат». Телеальманах. 15.00 «Санъатга бахшида умр». 15.20 «Эргинаминг орзуси». Ўзбек Миллий академик драма театрининг	спектакли. «Болалар сайёраси»: 16.55 1. «Улғайиш поғоналари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин. 17.55 «Экран хандаси». 18.30 «Оқ ва қора». Телешоу. 19.10 «Бизнес ҳафта». 19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар. 19.30 «Тахлилнома» (рус тилида) 20.05 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача». 20.30 «Тахлилнома». 21.15 «Қўшиғимиз Сизга армуғон». 21.30 «Яхшилик». 22.05 «Талваса». Видеофильм премьераси. 2-қисм. 22.40 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнирининг финал учрашуви ва тантанали ёпилиш маросими.	«Якшанба кинозали»: 23.40 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Гамлет». Бадий фильм. 2-қисм. 00.50-00.55 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканали 6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури. 9.00 ТВ – анонс. 9.05 «Давр» - репортаж. 9.15 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма. 9.40 Қўноқ старлар. 10.10 «Учинчи сайёра» маърифий дастури. 11.00 Чемпион сирлари. 11.20 Оҳанрабо. 12.00 «Қилни қирқ ёриб». Интеллектуал ўйин. 12.50 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1 Аскар мактублари, 2 Кутқарув «050». 13.25 Ўзбекистон давлат консерваторияси	талабалари ижро этади. 13.40 «Маҳабхорат». Бадий фильм 5-қисм. 14.35 ТВ-анонс. 14.40 Ёшлар овози. 15.00 «Экспедиция». Кўп қисмли хужжатли сериал. 15.50 Азизим. 16.25 Болалар экрани: «Шрек». Мультфильм. 18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус, Болалар учун концерт. 18.35 Спорт ҳафтанома-си. 18.50 Олтин мерос. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр»-news. 19.20 ТВ – анонс. 19.25 «Қаҳқаҳа» театр - студияси намоиш этади. 19.55 Мусикий лаҳзалар. 20.10, 21.10, 22.30 Эълонлар. 20.15 «Маҳабхорат». Бадий фильм 6-қисм (яқунловчи) 21.15 «Заковат» сара-	лаш ўйинлари. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр» ҳафта ичида. 22.35 ТВ – анонс. 22.40 «Ёшлар» телеканалида премьераси: «Оқсоч хоним». Бадий фильм. 0.25 – 0.30 Хайрли тун. «Тошкент» телеканали 17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино». 17.40 «Эртакларнинг сеҳрли олами». 19.20, 22.20 «Экспресс» телегазетаси. 19.30 «Табриқлаймиз-кутлаймиз». 19.50 «Жаҳон географияси». 20.20 «ТВ плюс». 20.50 «Озод ва обод юрт». 21.10 ТТВда сериал: «Қиш сонатаси». 22.30 Кинонигоҳ. «Матильда». 23.50-23.55 Хайрли тун, шахрим!	«Халқаро» телеканали 8.55 Кўрсатувлар тартиби. 9.00 «Инглиз тили курси». 9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари». 9.30 «Хамма уйдалигид». 10.10 «Уйғоқ кайфият». Информацион-дам олиш кўрсатуви. 11.40 «Ошхонада инглизча гаплашамиз». 11.50 Кинематограф. «Оз мамлакатининг сеҳрлари». Бадий фильм. 13.20-14.40 Дўстлик видеоканали: «Дидар», «Ватан сурури», «Айчурек», «Чинсен». 18.05 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Аралаш». 18.20 «Жосуслар фарзандлари». Кинокомедия. 20.00 «Тенгдошлар». 20.30 «Кўнгил кўнгилга пайванд». 21.00 Кинематограф.	«Ўзга сайёралик». Бадий фильм. 22.40 Бокс. Роман Кармазин – Дэвид Уокер. 23.40 «Тахлилнома». 00.20 «Тунингиз осуда бўлсин» 30-канал 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 11.30, 17.40, 20.45 «Телехамкор». 9.30 «Динозаврлар». Мультсериал. 10.00 «Қора йўлбарслар». Ўткир сюжетли фильм. 12.00 Оилавий кино. «Яширинча кўрkitиш». 13.40 Шоу дастури. 14.30 Кундузги кинозал: «Бир куни ёввойи гарбда». 16.10 Маърифий дастур. 16.40 Мусикий дастур. 17.00 Телеўйин. 18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Шарқ устаси». 19.45 «Ошиқона». Мусикий дастур. 20.00 «Спорт-экстрим». 20.30 «Клип-совга». Телетабрикнома. 21.05 «Тайга». Сериал. 22.00 «30-канал»да якшанба кинооқшоми. «Тушдаги жарлик». 23.30 Спорт шарҳи.
---	---	---	--	--	--	---



ФУТБОЛ МАЙДОНИДА ... НОГИРОНЛАР

Пойтахтдаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида ампутант-ногиронлар ўртасида футбол бўйича VI жаҳон чемпионати бошланди. Унда Бразилия, Гана, Россия, Сьера-Леоне, Танзания, Украина ҳамда Ўзбекистон терма жамоалари иштирок этмоқда.

Чемпионат 8 октябрда давом этади.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон терма жамоаси ўтган йили бўлиб ўтган чемпионатда ғолиб бўлган эди.

Бу йилги биринчи турда Ўзбекистон терма жамоаси украиналик футболчиларга қарши майдонга тушди. Кескин ва муросасиз кечган баҳс 3:1 ҳисобида футболчиларимиз фойдасига ҳал бўлди.

Бразилия ҳамда Россия терма жамоалари ўртасидаги учрашувда Клаудио ва Элизео йўллаган голлар бразилияликларга ғалаба келтирди — 2:0.

Ўз мухбиримиз.

«TASHKENT OPEN» БОШЛАНМОҚДА



Хабарингиз бор, яқиндагина теннис бўйича Осиё чемпионати якунланган эди. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас теннис муҳлислари яна бир тантананинг гувоҳи бўлиш арафасида туришибди. Эртадан бошлаб Тошкент теннис марказида аёллар ўртасида «Tashkent Open» мусобақаларига старт берилади. Ушбу мусобақани ўтказишдан кўзланган мақсад — аёллар ўртасида теннисни оммавийлаштириш, ривожлантириш ҳамда улар орасида энг кучли теннисчиларни аниқлашдан иборатдир.

11 октябрда давом этадиган ўйинларда жаҳоннинг 100 га яқин моҳир теннисчилари иштирок этишади.

ВАКИЛЛАРИМИЗ ОЛДИНДА

Наманган шаҳрида от спорти бўйича жаҳон кубогининг саралаш мусобақалари бўлиб ўтди.



Унда Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон терма жамоалари беллашишди. Муросасиз курашларда тажрибали вакилларимиздан Анна Лисьяк «Трум» лақабли тулпори билан аёллар ўртасида энг яхши натижага эришган бўлса, «Пекан» номли оти билан иштирок этган Файрат Назаров эркак чавандозлар орасида ғолибликни қўлга киритди.

Чемпион ҳақида сўз

Бир алюмининг ибратли ҳикмати бор: «Ҳеч нарса қилмаслик яшамасликдир... Кимки дилига ҳаёт манбаи, яъни жонли фаолият манбаини жо этиб юрмас экан, кимки ўзига ишонмас экан, у доимо ҳамма нарсани ташқаридан ва тасодифдан кутади». Нақадар доно нақл. Бугун сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган қаҳрамонимиз ўз ҳаёти ва фаолиятида ушбу фалсафани ўзгармас қоидага айлантирган. У қўлга киритмоқчи бўлган навбатдаги ғалабани осмондан олмайди. Олма пиш, оғзимга туш, дегувчиларни қоралайдиган бу йигит 20 баҳорни қаршилаган бўлса-да, ёшига нисбатан анча юксак ютуқларга эриша олди. Шу боис тенгдошлари унга ҳавас кўзи билан қарашади.

Сиз гап ким ҳақида кетаётганлигини аниқлагандирсиз. У сизга майдондаги ўзининг чиройли курашлари, ғалабалари,

олтин медаллари билан таниш. Истараси иссиқ бу йигитчанинг исми-шарифи Дилшод Мансуровдир.

Хабарингиз бўлса керак, шў йилнинг 11-14 сентябрь кунлари АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида спортнинг эркин кураш тури бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтган эди. Ушбу чемпионатда беш нафар ҳамюртимиз ичида вилоятимиз вакили Дилшод Мансуров ҳам мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. У 55 килограмм вазн тоифасида ғалабага чиқиб, молдовалик рақибини мағлуб этиб, олтин медални қўлга киритди. Ушбу олтин медал уни келгуси йили Афинада бўлиб ўтажак Олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишига замин яратди. Навбатдаги ғалабаси билан кўтлаш, унинг келгусидаги режалари билан ўртоқлашиш ниятида қаҳрамонимизнинг файзли хонадонига таширф буюрдик.

— Дилшод, олтин медал муборак бўлсин.

— Қуллук.

— Хурсандмисиз?

— Бундай пайтда «хурсанд бўлмадим» деган одам ёлгон гапирди.

— Энди суҳбатга ўтсак... Мана, сиз 20 ёшга тўляпсиз. Шу ёшгача не-не кураш майдонларини кўрмадингиз. Ҳаёт ўтган сайин кишининг дунёқараши ҳам ўзгаради. Шу ўринда спортга кириб келган онларингизни ёдга олсак.

— 8 ёшда дзю-дога қизиқиб қолганман. Ўртоқларим билан уйимиз яқинидаги стадионга машғулотга чиқардик. Ушбу тур билан ярим йил шуғулландим, секин-аста кўнгил ўзга нарсаларни кўмсай бошлади. Иккиланишлар охири оқибат эркин кураш дунёсига етаклади. Ўқишдан орттириб вақт топдим дегунча, спорт билан машғул бўлдим. Кенг, ястаниб ётган кўм-кўк ўт-ўланлар майдони менинг дастлабки тер тўкиб машғулот ўтайдиган жойимга айланди. Аввал мактабларда ўтадиган мусобақаларда, кейинчалик эса, туман, вилоят, республика, сўнгра жаҳон спортчилари даврасида юрак ютиб, кураш тушиб юрдим. Сермашаққат, тинимсиз ҳаракатларим натижасида орзуларимга эриша бошладим. Бу йўлда устозларимнинг меҳнати қадри бўлди. Эркин кураш сирларини илк бор Геннадий Черков ўргатганлар. У киши айрим сабабларга кўра Ўзбекистонни тарк этганларидан сўнг эркин кураш бўйича 4 карра республика чемпиони Нурлан Жақсалиқов кўлида тарбия олдим. Ҳозирги кунгача ҳам улар билан биргамиз.

Қаҳрамонимизнинг Дилшод Мансуров бўлиб танилишида унинг падари бузруквори Ис-

матилла аканинг ҳисаси бекиёс. Ҳафтада икки-уч бора бўладиган машғулотларга бормай, тажаник қилганида ҳам, мусобақаларда олтин медални қўлга кирита олмаганида ҳам у киши «норасмий» устоз ролини бажарган. Ўғлининг қалбида спортга бўлган оловнинг сўнишига йўл қўймади. Машғулотлар вақтида олган жароҳатлари ва тушкунлик ҳолатларида, керак бўлса, ширин сўз билан кўнглини кўтаришга интилди. Ўғил ҳам отанинг панд-насихатларига амал қилишга интилди. Унинг кам бўлмаётгани сиз-у, бизга аён. Лекин, тақдирнинг бешафқат ўйинлари отани бевақт одамлар орасидан олиб кетди. Дилшоднинг бугунги ютуқларини кўриш насиб этмаган экан унга.

— Нима деб ўйлайсиз, спортчи ўзгалардан фарқ қилиши керакми?

— Албатта. У биринчи ғалда жиддий бўлишга интилиши лозим. Бу ҳар томонлама фойда. Кўча-кўйда кимнингдир хатти-ҳаракати, гап-сўзлари ёқинқирамас, куч ишлатиб юбориши, орада кимгадир жароҳат етиши мумкин. Иккинчи фазилати, камтар бўлса, ёмон бўлмайди.

— Дилшод Мансуров спортчи бўлмаганида ким бўларди?

— Мардикор. Тўғри, бу ҳазил. Лекин, мен ҳалол меҳнатнинг тарафдориман. Доим бир нарсани ўйлайман. Бу ёруғ оламга спорт, аниқроғи эркин кураш учун туғилгандайман. Энди ҳаётимни спортсиз тасаввур эта олмайман. Усиз ким бўлишимни айтмасак ҳам бўлади.

Дилшод бир-икки тенгдошларига ҳавас қилиб, пойтахтда жойлашган Ички ишлар вазирлиги академиясига билим олиш ниятида ҳужжат топширди. Ҳам ўқиди, ҳам спорт би-

лан ошно бўлди. Лекин, ҳарбий билим юртининг ички қонун-қоидалари, ўқиш талаблари унинг спорт ҳаётига ҳалал бера бошлади. Чемпионат, турнирларга кетганида ўқиш орқага сурилиб кетарди. Натижада, икки йўлнинг ўртасида қолган спортчи ё ўқишни, ё спортни танлаши керак эди. Дилшод эса, спортни азиз билди. Сўнгра бир оз муддат ўтиб, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг иқтисодиёт ва статистика куллиётига ўқишга кирди. Ҳозир у 2-босқич толиби.

— Дилшод, хоҳлаймизми, йўқми спортчининг ҳаёти ва фаолияти маълум маънода чегараланган. Колаверса, кўплаб спортчилар билан суҳбатлашганимизда мавзу кўпроқ спорт, мағлубият, ғалабалар теграсида бўлади. Спортчи — аввало инсон. Айтмоқчиманки, унинг орзу-ниятлари, эзгу кечинмалари бўлиши табиий...

— Жуда тўғри айтдингиз. Шахсан менинг мисолимда олсак, кўп нарсаларни ўйлайман. Дейлик, ўз оилам, ака-ука, қадрдонларим, ёру биродарларимга нафим тегишини дилдан ўтказаман. Шахсий ҳаёт, бир оиланинг бошини тутиш орзулари устида юрибман. Ўқишни муваффақиятли битириш — мақсадлардан яна бири. Спортни шахсий ҳаётдан айри ҳолда қўйиш керак эмас. Уларнинг ҳаммасига улгуришга ҳаракат қиламан. Ж о н у - ж а ҳ о н и м бўлмиш онажонимнинг дуоларини олсам, элнинг, маҳалла-қўйнинг қорига ярасам дейман. Балки кимлар учундир бу қизиқ гаплардир. Мен учун эса, улуг ниятлар.

— Келинг, мавзуга қайтсак. Сизнингча, эркин курашни янада оммалаштириш, ривожлантириш учун нима қилиш керак?

— Мен турли халқаро турнир ва мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, ғолиб чиқмоқдаман. Юртимиз байроғи не-не жойларда баланд ҳилпирамоқда. Ана шундай кезларда дунёга танилаётганимиздан, ўзбек спортчиларининг номи тилларда дoston бўлаётганидан ғурурланиш, фахрланиш туйғуси кечади менда. Биз ҳам кечагина қиш-

лоқнинг тўпори болалари эдик. Чим устида кураш тушиб юрдик. Иқтидорларимизни кўриб, катта ғаламга олиб чиқибди. Бу жараёнда мурабийларнинг роли жуда катта.

Шу сабабли, келажагимиз бўлмиш болалар спортга эътиборни янада кучайтириш керак, деб ўйлайман. Биласизми, болалар ва ўсмирлар орасида биз кашф қилиб улгурмаган иқтидор эгалари талайгина. Уларни тарбиялаш эса, сизу бизнинг кечиктириб бўлмас вазифаларимиздир. Шу аснода Президент Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори улуг ҳамда катта иш бўлди. Улар, албатта, ижроси билан чиройли. Лекин юзга айтганнинг заҳри йўқ, деганларидек ҳозирги кунда дилни хира қиладиган ишларга ҳам дуч келаямиз. Бунга мисол келтирсам, юқорида айтганимдек, ўсиб келаётган авлод вакиллари ичида мендан ҳам иқтидорлилари йўқ эмас. Мен ана шу ёшларнинг жаҳонга чиқишлари учун Келесда эркин кураш клубини очмоқчи эдим. Лекин, бу нарсани мен ўйлаганчалик осон бўлмади. Ҳар қадамда қийинчилик, тўсқинликларга дуч келдим. Туман ҳокимлиги, туман жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, бошқа тегишли ташкилотларга қилган муносабатларим бесамар кетди. Клубни оёққа қўйиб, фаолиятни бошлаб олишим учун кўп нарсани керак эмас. Майли, клубга келувчиларнинг барчаси чемпион бўлмасин. Улар аввало, соғлом авлод бўлиб вояга етишсин. Гоҳида давра ва йиғилишларда мурабийлар масаласи чаток, ташаббускорлик йўқ, дейишади. Мен ва менга ўхшаш чемпионлар ташаббус кўрсатиб, спортни ўргатаман, шу орқали туманни кўтараман, деса, тўсқинлик қилишаётганини тушуна олмаяпман. Балки, бу масаланинг узрли сабаблари бордир, яна билмадим...

Чемпионимиз ўз муаммоларини айтган экан, унда шу юрт, шу ҳудуд учун қуюнчақлик ҳиссини туйдик. Истагимиз, унинг кўзларидаги чўғ, дилидаги ният сўнмасин. Ўйлаймизки, туман мутасаддилари юқоридаги масалани ҳал этишда ўзларининг амалий ёрдамларини кўрсатадилар.

Дилшоддан келгусидаги режалари ҳақида сўраганимизда, у Олимпиада ўйинларига жиддий тайёргарлик кўриши кераклигини тўлқинлиб таъкидлади.

Биз, қаҳрамонимиз билан хайрлашар эканмиз, Олимпиада ўйинларида, қолаверса, шахсий ҳаётда ҳам омад қўлиб боқишини тиладик.

**Хушуда НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.**

**Даврон АХМАД олган
сурат.**

ПОЛВОН





КОЛУМБИЯ:

ТОШҚИН АСОРАТЛАРИ

Колумбиянинг шимоли-ғарбидаги Меделин шаҳрида сурункали ёмғир ёғиши туфайли сув тошқини юз берди. Натижада, етти киши қурбон бўлди. Маълумотларга қараганда, шаҳарда икки мингдан зиёд одам табиий офатдан зарар кўрган.

ГЕРМАНИЯ:

ПОЕЗДЛАР ТЎҚНАШДИ

Германиянинг Веймар шаҳри яқинида икки электр поездининг тўқнашиб кетиши оқибатида бир киши вафот этди, 29 нафар йўловчи оғир тан жароҳати олди.

«Дойче бан» темир йўл компанияси вакилининг маълум қилишича, Франкфуртдан Дрезденга йўл олган мазкур икки электр поезд Бад-Берка ва Веймар шаҳарлари орасидаги кўприк остидан ўтаётганда тўқнашиб кетган.

СЕРБИЯ:

САЙЛОВ ТАРАДДУДИ

Шу йилнинг 16 ноябрида Сербияда президентликка сайлов бўлиб ўтади. ПАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, 73 ёшли Драголюб Мичунович президентлик учун ўз номзодини қўйган. Шу вақтга қадар у Сербия ва Черногория ҳамжамияти парламенти (Скупщина) раиси лавозимида ишлаб келганди.

ШВЕЦИЯ:

НОБЕЛЬ СОВРИНДОРЛАРИ АНИҚЛАНМОҚДА

Шу йил 10 декабрда Ослода Нобель мукофоти совриндорлари 102-маротаба шарафланади. Ҳозирча мазкур мукофотнинг бу йилги эгалари аниқланмоқда. Стокгольмда Швеция академиясининг 18 вакили адабиёт йўналиши бўйича совриндор номини айтдилар. Индинга физиология ва тиббиёт соҳаси бўйича, 7 октябрда кимё ва иқтисодиёт йўналишида мукофот соҳибларининг номлари маълум бўлади.

ИРОҚ: ЯНГИ ЛОЙИҲА МУҲОКАМАДА

АҚШнинг БМТдаги ваколатхонасида Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари: АҚШ, Россия, Буюк Британия, Франция ва Хитой вакиллари Ироқ масаласида музокара ўтказди. Унда АҚШ Ироқ бўйича тайёрлаган резолюциянинг янги лойиҳаси тақдим этилди.

Ушбу ҳужжат БМТ раҳнамолигида Ироқда кўпмиллатли тинчликпарвар кучларни вужудга келтириш ҳамда БМТнинг Ироқни қайта тиклаш ишларидаги иштирокини кучайтириш масаласини кўзда тутди. АҚШнинг БМТдаги доимий вакили Жон Негропонт журналистлар билан учрашиб, резолюциянинг янги лойиҳаси ҳозирда Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари томонидан ўрганилаётганини маълум қилди.

Хабарларга қараганда, тақдим этилган лойиҳа Хавфсизлик кенгашининг қолган ўнта муваққат аъзоси томонидан ҳам кўриб чиқилади. Шундан сўнггина кенгаш тўла таркибда мазкур масала юзасидан ялпи музокараларни бошлаши мумкин.



Volkswagenнинг охириги маҳсулотларидан бири...

Шарҳловчи минбари

ЕВРОПА АВТОМОБИЛЬ БОЗОРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Европа Иттифоқига қирувчи мамлакатларнинг автомобиль бозорида кўтилмаган ўзгаришлар юз бермоқда. Утган чоршанба кўни Европа Иттифоқи автобозорида рақобатни кучайтириш ва таклифни кенгайтиришга қаратилган янги қонун қучга кирди. Қўзатувчилар ҳозирда қўзатувчи янгиликни автомобиль бозорида инқилоб, деб баҳолаётми.

Энди автомобиль қорчалонлари Европа Иттифоқи, ҳатто АҚШ ва Япония оморларида сақланаётган исталган русумдаги автомобильни бозорга чиқариши мумкин. Шу вақтгача автомобиль савдоси билан шуғулланадиган фирмалар фақат бир хил русумдаги автомобилларни сота оларди. Иккинчи жаҳон урушидан буён давом этиб келаётган ушбу қоида энди тарихда қоладиган бўлди.

Ҳўш, бу янгиликдан кимга фойда? Табиийки, янги қонун биринчи навбатда харидорлар манфаатига хизмат қилади. Чунки, рақобат кучайгач, таклиф ҳам кучайиб, нарх пасаяди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, 2006 йилга келиб Европа автомобиль бозорларида янги машина баҳоси йигирма фоизга арзонлашиши мумкин. Бу эса жаҳон автомобиль бозорида ҳам ижобий таъсир этади.

Масалан, ҳозир Европа дўконларида сотилаётган машиналарнинг ишлаб чиқариш нархи автомобиль баҳосининг атиги 25 фоизини ташкил этади. Қолгани эса устама нарх, солиқ ва қўшимча даромад солиқларидан иборат. Рақобатнинг кескин кучайиши устама нархларнинг пасайиши ва солиқларнинг қисқаришига олиб келади.

Европалик харидорларнинг қувончини тушуниш мумкин, бироқ бу хурсандчилик бельгиялик автомобилсозларга татимапти. Кўни кеча «Форд» автомобиль концерни Бельгиянинг Гент шаҳридаги заводини ёпишини эълон қилди. Натижада заводнинг уч мингдан ортиқ ходими ишсиз қоладиган бўлиб турибди. Агар ушбу заводга эҳтиёт қисм етказиб бераётган атрофдаги бошқа қорхоналар ҳам ҳисобга олинадиган бўлса, ишсизлар сони саккиз мингга етиши мумкин экан. Бу нохуш хабар мамлакатда ижтимоий портлашни юзага келтириши мумкин.

Гент шаҳридаги заводда асосан, «Форд-Фокус» ва «Форд-Мондео» русумидаги машиналар чиқарилади. Энди концерн раҳбарияти «Форд-Фокус»ни Франция ва Испаниядаги заводларда ишлаб чиқармоқчи.

Касаба уюшмалари концерннинг ушбу қарорини «хиёнат» деб баҳолади. Чунки, ҳафтанинг бошида завод бошқаруви эҳтиёт қисмларнинг етишмаётганини баҳона қилиб, барча ишчиларга вақтинчалик таътил берган эди. Энди маълум бўлдики, бу оммавий намойишларнинг олдини олиш мақсадида қилинган экан.

Айни пайтда Бельгия бош вазири Ги Верхофстадт вазиятни изга тушириш учун концерн раҳбарияти ва касаба уюшма фаоллари билан музокара ўтказмоқда.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-ўйда жойлашган «Ўзмева-сабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси ОАЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2003 йил 3 октябрь кўни соат 11.00 да холдинг компанияси мажлислар залида ўтказилди.

Умумий йиғилишда акциядорлар 100 фоиз қатнашдилар.

УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ КҮН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР БҮЙИЧА ҚҲЙИДАГИ ҚАРОРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202 сонли Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189 сонли қарорига асосан «Ўзмева-сабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси уставига ва қўзатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижро органи тўғрисидаги низомларига ўзгартиришлар киритилсин ҳамда акциядорлик жамияти ижро органи раҳбарини ёллаш тўғрисидаги меҳнат шарт-

номаси тасдиқлансин.

2. «Ўзмева-сабзавотузумсаноат-холдинг» компаниясининг янги устав фонди 14 085 947 минг сўм ёки 14 461 минг АҚШ доллари миқдорида тасдиқлансин.

3. «Ўзмева-сабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси бошқаруви аъзолари ва қўзатув кенгаши аъзоларини моддий рағбатлантириш тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

4. «Ўзмева-сабзавотузумсаноат-холдинг» компаниясининг қўзатув кенгаши аъзоси Й. Д. Годоев ўрнига Э. Қ. Файзиев киритилсин.

5. «Ўзмева-сабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси тафтиш комиссиясининг аъзолари М. П. Нарзикулов ва З. Джафарова ўринларига Ж. Нигматов ва Б. Раҳматуллаев киритилсин.

6. «Ўзмева-сабзавотузумсаноат-холдинг» компаниясининг бошқарув кенгаши аъзоси Т. Ҳусанов ўрнига С. Ҳ. Ҳамидов киритилсин.

Умумий йиғилишни ўтказишга доир ҳужжатлар билан танишиш учун қўйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-ўй. Тел: 144-49-93, 144-49-96.

Қўзатув кенгаши.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутуб-хонасида янги ўқув зали — кироатхона очилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда кутубхоначилик йилдан-йилга ривожланиб бораётгани, бундай зиё масканлари келажак авлоднинг интеллек-

ЯНГИ ҚИРОАТХОНА

туал салоҳиятини янада ошириш, буюк алломаларимиз қолдирган маънавий-маданий меросни чуқур ўрганиш, шунингдек, янги билим сарҳадларини ўзлаштиришга хизмат қилаётгани таъкидлади.

Янги кироатхона электрон

каталог киритилган компьютерлар, замонавий жиҳозлар билан таъминланган, турли соҳалардаги адабиётлар ва ўқув қўлланмалари билан тўлдирилган.

Мазкур кутубхона Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик зиё масканларидан бири сана-

лади. Унинг олтиш ўринли янги ўқув зали эса, китобхонларга хизмат кўрсатишни янада яхшилаш имконини беради.

Кутубхона бугун йигирма тўрт давлат билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Етмишдан зиёд тилдаги ўн миллионга яқин китобга эга.

Ў.А.

Ривоятлар

ОВҚАТЛАНИШ ВАҚТИ

— Одам қай маҳалда овқатлангани маъқул? — деб сўрашди бир донишманддан.

— Бадавлат киши қорни очиканда, камбағал эса овқат топганда, — деб жавоб қилди ҳалиги донишманд.

КИМ КЎР?

Бир камбағал хасис бойдан садақа сўради.

— Мен фақат кўрларга садақа бераман, — деди бой.

— Мен кўр бўлмасам, келиб-келиб сендан садақа сўрайманми, — деди камбағал.

ИЛТИМОСГА ИЛТИМОС...

Фахриддин Али Сайфий ҳикоя қиладики, бир одам иккинчи одамнинг олдида келиб:

— Сиздан бир илтимосим бор эди, — дебди.

— Илтимосингдан олдин менда ҳам бир илтимос бор, — дебди иккинчи одам. — Илтимосим шуки, мендан бирор нарса илтимос қилмасанг...

БАСРАЛИК САВДОГАР ҲИКОЯСИ

Басра шаҳрида бир очкўз савдогар бўларкан. У олтин-кумушларни йиғишга муқкасидан кетган экан. Савдогар бир куни савдо ишлари учун сафарга чиқмоқчи бўлиб, денгиз қирғоғига келибди. У ўзидаги бор олтинларини тўнининг қатига тикиб олган экан. Нима бўпти-ю, у ноҳосдан денгизга қулабди ва чўка бошлабди. Савдогар қанча типирчилмасин, дод деб бақирмасин уни қутқаришга улгура олишмабди: тўнининг қатидаги олтинлар уни бир зумда денгиз қаърига чўктириб юборибди.

Амали, эътиқоди, виждонини сотиб, тилло йиғаетганлар учун бу бир ибратдир.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

Bolalik bog'i

HASAN-HUSAN



*Hasan-Husan
Maktabiga
Birga borib,
Birga kelar.
Hasan q'aysi
Husan q'aysi,
Uydagilar
Zorq'a bilar.
Boshq'alar ham
Ajratoymas
Ikkovini
Bir-biridan.
O'rtoq'lari
Ajratishtar
Bir «siri»dan.
Hasanjon, deb
Atashadi
Baholari
«Besh»ligini.
Husanjon, deb
Atashadi
«Ikkivoy»ga
Eshligini.*

Shodi SATTOR.

Луқма

Кўчада дугонамни кўриб қолдим. У мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди. Дугонамнинг асаби бузилган, жамли чиқиб келарди.

— Ҳа, дугонажон, хафароқ кўринасанми? — дедим унга.

— Э, сўрама, ҳозир бир ўқувчимнинг онаси билан гап талашиб, торттишиб қолдим. Боласига мактабга муқоваси бежалган дафтарларни олиб келмагин дегандим. Шунга «фалон пулга олиб берган дафтарим нега мактабга бўлмас экан», деб жанжал қилиб келибди, — деди дугонам.

— Ҳозир деярли ҳамма дафтарларнинг муқоваси шунақа, болалар ҳам нима қилсин, ахир, — дедим уни юпатиб.

— Дафтар чиқараётганларга ҳам ҳайронман. Молим тезроқ ўтсин деб, болаларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатишмоқда. Лекин, мен ўқитувчиман, қандай индамай тураман, — деди у куюниб.

Дарҳақиқат, дугонамнинг гапи ўринли. Кейинги вақтларда сотувга чиқарилаётган дафтарларнинг муқовасига ҳеч аҳамият берганмисиз? Кўзингиз тушгандир, чунки, ҳар бир оилада ҳеч бўлмаганда бир ўқувчи бор. Кўча-кўйда, ҳар қадамда турли тар ва ўқув қурол-сотилади. Улар орасида чет давлатлардан келтирилганлари ҳам, ўзимизда чиқарилганлари ҳам бисёр. Аммо, муқовалари-чи?



ДАФТАР МУҚОВАСИДАГИ «ЮЛАДУЗЛАР»

Уларда хориж эстрада-си юлдузлари-ю, кўнглига урувчи телесериалларнинг қаҳрамонлари дейсизми, турли русумдаги автотомобилларнинг

суратлари ёки ўзбек эстрада-си хонандаларининг тасвирларими — ҳаммаси топилади. Нега дафтарлар шундай чиқарилапти?

Кўшни давлатлардан келтирилаётганларини қўя турайлик. Республикаимизда ишлаб чиқарилаётганлари-чи? Рақобат қилиш, бозори чаққон бўлсин деб, дафтарларни бундай «бежаш» кимга керак? Ахир, дарсда ўтирган ўқувчи бундай ярим-яланғоч «ғўзаллар»ни кўрганда фикри чалғийди. Ҳозир нафақат юқори синф ўқувчилари, балки 4-5-синф ўқувчиларида ҳам шундай муқовали дафтарларни кўриш мумкин. Ўқувчилар ўзлари ҳам кўпроқ айнан шундай муқовали дафтарларни сотиб олишади. Шунинг учун ота-оналар фарзандларига дафтар харид қилаётганларида озгина эътиборли бўлишса, яхши бўларди. Биз ўқиган пайтлардаги дафтарларнинг муқоваларида Навоий, Бобур, Беруний, ибн Сино сингари буюк алломаларимизнинг сиймолари, илм олишнинг фазилатлари ҳақидаги тўртликлар келтирилган.

Ҳозир ҳам дафтарлар муқовасида шундай улғузотлар, ўлкамиз тарихий обидалари, янги қурилган ғўзал иншоотларнинг тасвирларини жойлаштириш мумкин-ку. Фарзандларимизга кўр-кўрона чет элга тақлид қилмасдан, ўз маънавиятимизни кадрлашни сингдиришимиз керак. Дафтар ишлаб чиқарувчи корхоналар бундай эътиборга олсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА.

Қилмиш-қидирмиш

ЎЗИНИ «ЭР» БИЛИБ

Эл осойишталигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш мақсадида Ангрен шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари томонидан қатор зарур чора-тадбирлар ўтказилмоқда. Яқинда «Қорадори — 2003» тадбири давомида Ангрен шаҳрида яшовчи 1960 йилда туғилган С. Юрий уйи олдида гумон билан текширилганда, унинг ёнидан 4,76 грамм гиёҳвандлик моддаси топилди. Унинг бу захирқотилни нима мақсадда олиб юрганлиги ҳозир терговда аниқланмоқда.

Ўзини «эр» билиб, бошқаларнинг тинчини бузаётган кишилар ҳам тез-тез учраб турибди. Тунги соат 22 ларда улфатчиликни ниҳоялаб, аранг қаҳвахонадан йўлга чиққан 22 ёшли Ш. Куролбой ва у билан «елкалашиб» кетаётган шериги 25 ёшли Ф. Матиброҳимлар маст ҳолда Чикризов кўчасида йўловчи Ф. Нишоналини ҳақоратлаб урдилар. Безорилардан азият чеккан жабрланувчи муштўзларнинг қилмишларидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларни хабардор қилди. Ҳозирда бу зўравонлар қонун олдида жавоб бермоқдалар.

Куйидаги ўзини шер билган аёл ҳақида нима дейсиз? Ангренлик тадбиркор М. Нишонгул иккинчи гуруҳ ногирони Н. Мохира билан ўзаро гап талашиб қолди. Нишонгул ўз кўнглида Мохирани «боглаб адабини беради». Натижада Мохира жароҳат олиб, касалхонага ётқизилди.

Ички ишлар ходимлари шаҳарнинг ҳар бир маҳалласида, мактаб, ташкилот ҳамда гузарларда ана шундай кўнглисиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра», «Огоҳлик — давр талаби» мавзуларида учрашувлар ташкил этмоқдалар.

Шерали АНВАРОВ,

Тошкент вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот марказининг ходими.

Қулганга Нима Етсин!

— Ҳа, буving ўргилсин, қара, аммаси, бу менинг ёрдамчим-да, қўйларнинг ўт, ем, сувидан хабар олиб турган шу. Катта бўлганимда ўзим боқаман, деяпти.

— Ҳа, амманг ўргилсин, буvingни қандай қилиб боқасан?

— Бувимни бой қилиб, яхшилаб бойлаб боқаман.

Икки жажжи ўртоқ торттишиб деди:

— Мени дадамла Баҳодий йяис, билдинг.

— Мени дадамчи-и Боти шофёй.

— Байбиям шофёй йяисни айтганини қилади,


— Ҳечамда шофёй олиб борган жойга йяис бойяди, билдинг.

ЎХШАШ ҲАНГОМАЛАР

Абдурайим шошиб маҳалладошидан сўради:

— Менга қара, Мамарайимни кўрдингми?

— Самоварни тепасида эмаклаб юривди.



Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 4 октябрь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 11-12, кундузи 20-23 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 7-12, кундузи 18-20 даража иссиқ бўлади. Тоғли ҳудудларда ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2-7, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

«Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси ва «Ўзкимёсаноатлоийҳа» очик акциядорлик жамияти жамоалари «Ўзкимёсаноатлоийҳа» очик акциядорлик жамияти директорининг ўринбосари Р. Ёкубовга волидаи муҳтарамаси Хайри ЭРГАШЕВанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТ ШАҲАР МАҲАЛЛАЛАР
ТАШКЕНТ ШАҲАР МАҲАЛЛАЛАР

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-54.

Манзилими:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер
марказида тарилди ва
саҳифаланди.

● Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда далил-
ларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.